



**ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИГА ТАТБИҚ
ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
магистратура тингловчиси Хакназаров Азиз Бахтиёрович*

Аннотация: Ушбу мақолада экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ривожланган хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан қўшни Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси Европа давлатларидан Франция ва Швеция каби мамлакатларнинг экология соҳасидаги тажрибалари ўрганилган. Тадқиқот давомида халқаро экологик стандартлар, “**яшил иқтисодиётга**” ўтишининг ҳуқуқий механизмлари ва табиатни муҳофаза қилишда давлат бошқарувининг самарали моделлари ўрганилган.

Муаллиф томонидан хорижий давлатларнинг экологик қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш ва мавжуд Экология кодекси лойиҳасини такомиллаштириш бўйича илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақола хулосалари мамлакатда экологик барқарорликни таъминлаш ва соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришига хизмат қилади.

Калит сўзлар: экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қиёсий таҳлил, хорижий тажриба, экологик қонунчилик, имплементация, барқарор ривожланиш, Экология кодекси.

Аннотация: В данной статье проводится сравнительный анализ передового опыта развитых зарубежных стран в области экологии и охраны окружающей среды.

В частности, изучен опыт таких государств, как Республика Казахстан, Российская Федерация (СНГ), а также Франция и Швеция (Европа).



В ходе исследования рассмотрены международные экологические стандарты, правовые механизмы перехода к «зеленой» экономике и эффективные модели государственного управления в сфере охраны природы.

Автором разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по имплементации положительных аспектов экологического законодательства зарубежных стран в национальное законодательство Узбекистана и совершенствованию проекта действующего Экологического кодекса.

Выводы статьи способствуют обеспечению экологической устойчивости в стране и восполнению существующих правовых пробелов в данной сфере.

Ключевые слова: *экология, охрана окружающей среды, сравнительный анализ, зарубежный опыт, экологическое законодательство, имплементация, устойчивое развитие, Экологический кодекс.*

Annotation: *This article provides a comparative analysis of the advanced experience of developed foreign countries in the field of ecology and environmental protection.*

Specifically, the experiences of countries such as the Republic of Kazakhstan and the Russian Federation (CIS), as well as France and Sweden (Europe), are examined. The study explores international environmental standards, legal mechanisms for transitioning to a "green" economy, and effective models of state management in environmental conservation.

The author has developed scientifically grounded proposals and recommendations for implementing positive aspects of foreign environmental legislation into the national legislation of Uzbekistan and for improving the current draft of the Environmental Code.

The findings of the article contribute to ensuring environmental stability in the country and filling existing legal gaps in this field.



Keywords: ecology, environmental protection, comparative analysis, foreign experience, environmental legislation, implementation, sustainable development, Environmental Code.

КИРИШ

Экологияни муҳофаза қилиш ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз доирасидаги долзарб муаммо ҳисобланибгина қолмай, балки дунё миқёсидаги ўта муҳим ва ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолардан бўлиб ҳисобланиши керак.

Экология муаммоси давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди.

Инсоният XXI асрнинг чорак қисмига қадам қўяр экан, унинг олдида оламни асраш, келажак авлоднинг барқарорлигини таъминлаш, турли экологик муаммоларнинг олдини олишдек долзарб масала кўндаланг турганлиги, бу ҳеч кимни ташвишга солмай қолмайди.

Ҳозирги пайтда дунёнинг қайси бир минтақасини олиб қарамайлик, инсон ҳаёти учун катта хавф туғдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек оғир муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг экологик муносабатларни тартибга солувчи ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бу қонунларнинг қабул қилиниши у ёки бу даражада табиатни муҳофаза этиш муносабатларини такомиллаштиришга, табиий ресурсларни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий воситалари самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Хусусан, бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб берувчи, халқимизнинг миллий бойлиги ҳисобланган ҳар бир табиат объектининг янги ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан



фойдаланиш тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида», «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида», «Радиация хавфсизлиги тўғрисида», «Ер кадастри тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида», «Маданий мерос объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил

27-майдаги «2013–2017-йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарорининг қабул қилинганлиги моддий бойликларимиз асоси бўлган табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда истиқболли ислоҳотларнинг тасдиғи сифатида кўришимиз мумкин¹.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Мустақилликнинг дастлабки йилларида “Ободлик кўнгиладан бошланади” деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди», деб эътироф этган ғоялари баркамол авлодни ҳар томонлама тарбиялаб вояга етказишда экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни халқаро андозалар асосида олиб боришни талаб этади².

Глобал бошқарув концепцияси намояндалари атроф табиий муҳит компонентлари ягона бир тизимда ҳаракат қилади ва улар ажралмасдир деган

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013. № 22. 282-м.

² Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиздир // Инсон ва қонун. 2012. 8-дек



ғояни олға сурувчилардир. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш маълум бир ҳудуд ёки мамлакат доирасида эмас, балки халқаро миқёсда, бутун дунё ҳамжамиятининг биргаликдаги тадбири орқали амалга оширилишини, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлатлар устидан турувчи ягона бир ташкилотни тузишни, ушбу ташкилот нафақат бошқарув, балки назорат ваколатига эга бўлишини ёқлаб чиқадилар.

Уларнинг фикрича, БМТнинг ЮНЕП, ЮНЕСКО, ВОЗ, МОП деган ташкилотлари ҳозирги кунда фақатгина давлатларнинг экология борасидаги фаолиятини кузатадилар ва фактларни келтириш билан чекланадилар.

Афсуски, бундай оқим намояндalари Ер куррасидаги ҳамма давлатларнинг суверен ҳуқуқи бўлмиш табиий ресурслардан ўз қонунларига биноан фойдаланиш имкониятларини осонликча бериб қўймасликларини инобатга олишмайди. Лекин, бизнинг фикримизча, экологик глобал бошқарув тизимига инсоният олдинми-кечми албатта етиб боради.

Чунки, маълум бир жойдаги экологик инқироз, (Орол денгизи муаммоси, Чернобиль АЭС фалокати, Тожикистон Регар алюминий заводи, Охота денгизининг. радиоактив моддалар билан захарланиши) маҳаллий экологик инқироз эмас, балки глобал таъсир кучига эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммамизга аён дир.

Атроф табиий муҳитни халқаро экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тамойиллари асосан БМТ ва унинг атроф-муҳит бўйича ўтказилган Стокгольм конференцияси (1972), Европада хавфсизликни таъминлашнинг якуний ҳужжатида (Хельсинки, 1975) ва Умумжаҳон табиат хартиясида ҳамда Рио-де-Жанейро конференцияси (1992) қарорларида аниқ кўрсатиб берилди³.

³ Кремер Л , В и те р Г. Экологическое право Европейского Соипв / Огв ред проф О Л Дубовив М.Городеи, 2007 - С 93-94 , Дубовик О.Л. Кодифиваиив эсaлогического права в Германиии О проедг Экологического кодекса // Соареиеииое экологическое прдва в России и за рубежам - М ИГП ИНИОН РАН, 2001 - С 29-35



Масалан, очик денгиз, космос, ҳаво бассейни, Антарктида, денгиз туби, дарёларнинг сув ресурслари, кўчиб ва учиб юрадиган ҳайвонот турлари ҳамда давлатлар ўртасидаги чегара доирасидан ташқари ҳолатда фойдаланадиган барча объектлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги «халқаро Қизил китоб»га кирган барча ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг турлари ҳам алоҳида объектлар бўлиб, уларни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик керак бўлади.

Масалан, **Антарктида. у олтинчи қитъа** сифатида ҳеч қандай давлат ва халқаро ташкилот юрисдикциясига кирмайди. Уни муҳофаза қилиш барча давлатларнинг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда Антарктида қитъасидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий принциплари 1959 йилда имзоланган «Антарктида тўғрисида»ги шартномага асосан тартибга солинади. Унга асосан, эркин илмий-текширув фаолияти олиб бориш, ҳар қандай ҳарбий характердаги зарарли тадбирларни ўтказмаслик, тирик мавжудотни кўриқлаш каби муаммоларни халқаро биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор берилган.

Иқлимнинг ўзгариши бўйича конвенция (1993 йил 14 май), Биологик хилма-хилликни таъминлаш бўйича конвенция (1996 йил 7 май), Хавфли чиқиндиларнинг чегарадан олиб ўтилишини назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси (1996 йил 7 май), Ерларнинг чўлга айланиб қолишига қарши кураш бўйича конвенция (1995 йил 13 октябрь)лар шулар жумласидандир.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бу конвенцияларда қабул қилинган мажбуриятларини бажариш бўйича қатор амалий чораларни кўрмоқда. Жумладан, атмосфера ҳавосини, озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи доирасида озон қатламини емирадиган моддалар инвентаризацияси ўтказилиб, миллий ҳаракат дастури тайёрланмоқда. Бу дастур асосида биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича барча тадбирлар Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.



МДХ доирасида ҳам атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик битимлари имзоланган.

Ушбу категориядаги манбалар ичида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ташкил этилган ва чақирилган Стокгольм декларацияси (1972 йил) катта аҳамиятга эга.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1980-йил сентябрь ойида қабул қилинган «Барча давлатларнинг ҳозирги ва келажак авлод учун ер (курраси)ни сақлаш учун тарихий жавобгарлиги» тўғрисидаги резолюцияси аҳамиятлидир.

Мазкур резолюция дунё халқлари ва барча давлатларнинг ҳарбий қуролланишни қисқартиришга ва табиатни муҳофаза қилишга оид аниқ тадбирларини белгилайди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1982-йил тасдиқланган «Бутун жаҳон табиатни муҳофаза қилиш хартияси» ҳам катта аҳамиятга эга ҳужжат. Ушбу ҳужжат 1982-йил 28-октябрь БМТ Бош Ассамблеяси 37-сессиясининг резолюцияси билан тасдиқланган. Хартияда табиатни муҳофаза қилишнинг 24 та асосий принциплари кўрсатиб берилган. Мазкур ҳужжатда экологик таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор берилган.

Европа мамлакатлари ҳақида сўз борганда, биз авваламбор, Экологик қонунчиликни тизимлаштиришнинг пировард натижаси сифатида Экология кодексини қабул қилган давлатлар сирасига Франция (2000), Швеция (1999) ва Кот-д'Ивуар (1996) каби мамлакатларга тўхталиб ўтамиз. Юқоридагилар асосида ушбу мамлакатларда экологик қонунчиликни кодификациялаш борасида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилганлиги ҳамда экологик қонунчилиги истиқболи сифатида ушбу давлатларда яқин йилларда Экология кодекси қабул қилиниши тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигида **“Экология кодекси ишлаб чиқиш ва қабул”** қилиш орқали кодификациялаш ушбу ҳуқуқ тармоғини ривожлантиришнинг бутунжаҳон тенденцияларига мос келади. Хорижий мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги жараёнини таҳлил этадиган



Бўлсак, бир қатор мамлакатларда экологик қонунчилик кодификациялашганлиги ва айримларида бу борада фаол ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, Франциянинг 2000-йилдаги, Швециянинг 1999-йилдаги кодекслари, экология ҳуқуқининг йирик миллий қонунчилик базасини тизимлаштиришга қаратилган Экология кодекси лойиҳаси устида ишлар олиб борилмоқда⁴.

Ушбу мамлакатларда кодификация бир қатор қонунларни улардаги такрорланган нормаларни бартараф этиш йўли билан бирлаштириш ҳамда умумий қоидаларни бир бўлимга жойлаштириш орқали амалга оширилган. Бунда Экология кодекси қабул қилиниши билан тегишли қонунлар бекор қилинган.

Европа давлатларидан, авваламбор, Франциянинг экологик қонунчиликни кодификациялаш борасидаги тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. Францияда Экология кодексини ишлаб чиқиш борасида туб асослар яратилган. Бу мамлакатда 1996-йили Экология кодексининг биринчи лойиҳаси парламентга тақдим этилган бўлса-да, у 2000-йил 18-сентябрга келибгина қабул қилинди. Ушбу Кодекс давлатнинг ички ҳуқуқий нормалари иерархиясида Конституциядан кейинги даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидан ўрин олган. Франциянинг Экология кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан (975 модда) иборат. Умумий қисм (биринчи китоб) принциплар, қонуннинг мақсади, экологик жавобгарлик масалаларини қамраб олган. Махсус қисм (иккинчи-олтинчи китоблар) табиатни, ўрмонларни, сув, ҳавони муҳофаза қилишни тартибга солади.

Францияда бир неча йил муқаддам биринчилардан бўлиб қабул қилинган Экология кодекси 2000-йил 18-сентябрдаги 2000/914-сонли Ордонансга илова сифатида қабул қилинган. Қонуности ҳужжатлар Давлат Кенгаши Декретлари ҳам Кодекснинг таркибий қисмини ташкил қилади.

⁴ Меньшмх А.А., Охрана окружагашей сред во Франци Угально-лраяовие аспекть// Журнал "Российского права" - Москва, 2000 -№ 1 0 - С . 149



Кодекс ўзида экология соҳасига тааллуқли нормаларнинг такомиллаштирилган мажмуини ифодалайди. Унга сўнгги мартаба салмоқли ва жиддий ўзгартириш 2003-йил 30-июлдаги 2003/699-сонли ва 2004-йил 13-августдаги 2004-809-сонли қонунлар билан киритилган бўлиб, улар технологик ва табиий таваккалчиликнинг олдини олиш ва зарарни қоплашга оид нормаларни такомиллаштиришни кўзда тутди.

Таъкидлаш жоизки, Франциянинг Экология кодекси МДХ давлатларида экологик қонунчиликни кодификациялаш борасида қабул қилинган кодекс ва концепцияларга қараганда анчайин кенг доирадаги муносабатларни тартибга солади.

Швеция жаҳонда экологик қонунчиликни кодификациялаш бўйича муайян тажрибага эга. Хусусан, Швецияда Атроф-муҳит кодекси 1999-йил

1- январдан кучга кирган. У швед мутахассислари томонидан атроф табиий-муҳит тўғрисидаги қонунчилик доирасини чекланган даражада белгилаб берадиган яхлит ҳужжат сифатида тавсифланади.

Кодекс бир қатор ордонанс (қарор)лар ва уларга мувофиқ чиқарилган йўриқномалар билан биргаликда амал қилади. Кодекснинг чекланганлиги шунда намоён бўладики, у умумий қоидага кўра, турли ҳаракатларнинг йўл қўйиладиган доирасини белгилаб бермайди ҳамда турли манфаатларни батафсил тартибга солмайди. Кодексдаги қоидалар Ҳукуматнинг атроф табиий-муҳит соҳасидаги марказий органлари, хусусан Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Швед Агентлиги ва Кимёвий моддалар бўйича Миллий инспекция ҳужжатлари билан янада муайянлаштирилади. Атроф табиий-муҳит учун хавфли бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун атроф табиий-муҳит бўйича судлардан ёхуд маҳаллий маъмурий кенгашлардан рухсатнома олиши талаб этилади, шунингдек аксарият корхона, муассаса ва ташкилотлар ташкил этилиш олдидан Ҳукумат томонидан тасдиқланиши лозим бўлади. Ҳар бир маъмурий бирликдаги назорат ҳокимиятида ҳам инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва атроф табиий муҳитни зарар ва салбий таъсирдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.



Швеция Атроф-муҳит кодексининг иккинчи қисми (7-8-боблар) табиат (ундаги тор маънода тушунишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектлар)ни муҳофаза қилишга қаратилган. Бунда ҳудудларни муҳофаза қилиш масалалари хусусий ерларга ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга нисбатан ҳуқуқларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

МДХ мамлакатлари ичида Қозоғистон Республикаси биринчилардан бўлиб, Экология кодексини қабул қилди (2007-йил 9-январ); Россия Федерациясида Экология кодексининг концепцияси оммавий эълон қилинди (2007-йил 8-октябрь); Беларусь Республикасида Экология кодекси концепцияси расман Вазирлар Кенгаши қарори билан тасдиқланди (2005-йил 16-декабрь);

Ҳозирда Экология кодексини қабул қилган охириги давлат Татарстон Республикаси бўлиб, унинг Экология кодекси 2008-йил 15-декабрда қабул қилиниб, 2009-йил 15-январдан амалга киритилган.

Қозоғистон Республикаси. МДХ мамлакатлари ичида Қозоғистон биринчи бўлиб 2007-йил 9-январда Экология кодекси қабул қилди. Экологик қонунчиликни тизимлаштириш нуқтаи назаридан Қозоғистон Республикаси тажрибаси муҳим аҳамиятга эга, зотан у МДХ давлатлари орасида Экология кодексини қабул қилган илк давлат ҳисобланади. Экология кодексини ишлаб чиқиш бўйича ишлар 2004-йилда бошланган бўлиб, шу йилда махсус ҳукуматлараро ишчи гуруҳ тузилган эди. Айнан ушбу ишчи гуруҳ томонидан экологик қонунчиликни ислоҳ этиш бўйича концепция ҳамда кодекснинг илк лойиҳаси тайёрланган эди. Бунда “халқаро ташкилотларнинг 20 та атрофида тавсиявий ва раҳбарий ҳужжатлари, 14 та халқаро конвенция, 30 га яқин ички ва бошқа мамлакатлар қонунлари ўрганилди⁵”.

⁵ Интернет сайти: www.nature.kz (Қозоғистон Республикаси Атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг расмий сайти).



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда қонунчилик базаси ва назорат механизмлари янада такомиллаштирилиши зарур. Ҳозирги вақтда жавобгарликлар базавий даражада бўлиб, айрим ҳолатларда жавобгар шахслар фақат маъмурий жарима билан чекланмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга етарли даражада таъсир қилмаяпти.

Муҳим жиҳатлардан бири жамоатчилик ва нодавлат ташкилотларнинг фаол иштироки асосий ўрин тутаяди. Шу боис, таълим ва маърифий ишлар, жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали экологик соҳага алоқадорликни ошириш зарур. Оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз экологиясини асраб-авайламасак, унинг салбий оқибатлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, керак бўлса экологик муаммолар ечими топилмаса унинг оқибати нималарга олиб келиши тўғрисида кўрсатувларни такрорий равишда ташкил этишни йўлга қўйиш лозим.

Бинобарин, ҳар бир мамлакатимиз фуқароси атроф-муҳитни муҳофаза қилишга масъулдир. Бу борада нафақат давлат, балки Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг конституциявий бурчи бўлиб, экологик ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва унинг олдини олиш каби масъулиятни ҳис қилмоғи лозим деб ҳисоблайман.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, экология муаммолари бугунги кунда нафақат алоҳида давлатлар, балки бутун инсоният олдида турган глобал таҳдид даражасига етган. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва экологик хавфсизликка таҳдидлар халқаро ҳамкорликни кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш миллий даражада мукамаллаштирилиши билан бир қаторда, халқаро экология ҳуқуқи нормалари билан уйғун ҳолда ривожлантирилиши зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида экологик қонунчилик тизими сезиларли даражада ривожланди ва такомиллаштирилди. Турли соҳаларни қамраб олувчи алоҳида



қонунлар қабул қилиниб, экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бироқ ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси (хусусан Франция, Швеция, Қозоғистон каби мамлакатлар) шуни кўрсатадики, экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва ягона кодификациялашган ҳужжат **Экология кодексини** қабул қилиш ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 30.04 2023-йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги конституцияси.
2. Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 11.07.2023-йил ЎРҚ 854
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги ЎРҚ 371-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
- 4 “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 30.12.2021- йилдаги ПҚ-76-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 11.09.2023-йил ПФ-158-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги [кодекси](#).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 15.05.2025йилдаги ПҚ-184-сон.